

УДК 070:004.738.5

## МАТН ЯРАТИШ УСУЛЛАРИ



**Фарида Октамовна**

**ЭГАМБЕРДИЕВА**

Педагогика фанлари номзоди (PhD)

доцент

Услубият ва таҳрир кафедраси

журналистика факультети

Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон

Миллий университети

Тошкент, Ўзбекистон

[farida\\_6767@mail.ru](mailto:farida_6767@mail.ru)

### Аннотация

Матн – муайян коммуникатив фаолиятнинг алоқа соҳаси, тури, алоқа вазияти ва муаллиф мақсадига мувоғиқ фикрий ва лисоний хатти-ҳаракатни мунтазам мажмуи сифатида, семантик ва синтактик жиҳатдан изчил боғланишлар асосида таркибланган ва тартибланган тугал нуқтий ҳодиса. Мақолада матн яратиш, матнда тил воситаларидан унумли фойдаланиш йўлларини эгаллаш каби масалалар ёритилган.

**Калит сўзлар:** матн; лисоний восита; нолисоний восита; журналист; контекст; услугб.

### МЕТОДЫ СОЗДАНИЯ ТЕКСТА

**Фарида Октамовна ЭГАМБЕРДИЕВА**

кандидат педагогических наук, доцент

кафедра стилистики и редактирования

факультет журналистики

Национальный университет Узбекистана имени Мирзо Улугбека

Ташкент, Узбекистан

[farida\\_6767@mail.ru](mailto:farida_6767@mail.ru)

### Аннотация

Текст – это состояние связи, разновидность и сфера общения определенной коммуникативной деятельности. Явление, структурированное и отсортированное на основе семантических и синтаксических последовательных связей в качестве комплекса, соответствующего интеллектуальным целям и вербальному поведению автора. Рассматриваются проблемы создания текста и освоение путей рационального использования языковых средств текста.

**Ключевые слова:** текст; вербальное средство; невербальное средство; журналист; контекст; метод.

## METHODS OF TEXT CREATION

Farida Oktamovna EGAMBERDIEVA

Associate Professor

Department of Stylistics and Editing

Faculty of Journalism

National University of Uzbekistan

named after Mirzo Ulughbek

Tashkent, Uzbekistan

[farida\\_676@mail.ru](mailto:farida_676@mail.ru)

### Abstract

A text is a state of communication, a type and sphere of communication of a certain communicative activity. The phenomenon is structured and sorted based on semantic and syntactic sequential links as a complex corresponding to the intellectual goals and linguistic behaviors of the author. The problems of creating text and mastering the ways of rational use of language means of the text are considered.

**Keywords:** text; journalist; verbal means; nonverbal means; context; style.

Муқаммал матн нафақат муаллифнинг, балки муҳаррирнинг ҳам маҳоратига боғлиқ. Ҳар қандай ижодий фаолият, хусусан, матн яратиш, матнни қайта ишлаш, тузатиш, муқаммаллаштириш жараёнини четлаб ўта олмайди. Матн яратиш ва уни такомиллаштириш жараёни ёзма нутқий фаолиятнинг зарурий таркибий қисми сифатида китобот ва матбуот соҳаси мутахассисларининг, яъни журналист ва муҳаррирларнинг зиммасига алоҳида масъулиятни юклайди. Демак, матн яратиш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайдиган ижодий жараёндир. Матн – тил воситалари орқали ёзма тарзда баён қилинган муайян бир тугал ахборот ташувчи ҳужжат бўлиб, инсон фаолиятини мувофиқлаштирувчи, бошқарувчи ва бирлаштирувчи воситадир. Кишиларни турфа хил лисоний ва нолисоний хатти-харакатларга ундаш, даъват этиш, уларнинг бир-бирини тушунишларини таъминлаш имкониятига эга бўлган коммуникатив бирлик, кенг маънода эса ижтимоий ҳамкорлик қилиш қуроли – коди алоқа қилиш робитаси (канали) ҳисобланади (1, 6).

Матн яратишнинг уч қоидаси мавжуд ва улар аниқлик, қисқалик ва равонликдир. Биринчи навбатда, ижодкор яратган матн ўқувчига (аудиторияга) тушунарли бўлиши лозим. Ҳар бир ижодкор ўзига хос сўз танлаш услуби орқали матннинг аниқ, равон ва тушунарли бўлишига эришади. Ёзма нутқда ноаниқлик, кераксиз жумлалар, гап таркибининг нотўғри бўлиши мумкин эмас. Аниқ мақсадга эришиш учун ижодкор ўз устида ишлаши, машқ қилиши, меҳнатсевар ва грамматикага оид чуқур билимга эга бўлиши керак (2, 150).

Самарали матн яратишининг қоидалари борми, деган саволга жавоб излаймиз. Юқорида берилган фикр(дефиниция)ларга таянган ҳолда, 10та қоида асосида шарҳлаб беришга ҳаракат қиласиз.

### **1- қоида. Кўп ўқиши**

Ўқиши жараёнида инсон ўзи билмаган ҳолатда тил қоидаларини ҳам ўрганади. Бу жараёнда ўқувчининг нафақат сўз бойлиги, балки гап тузиш маҳорати ҳам ошиб боради. Сиз тил воситаларидан қандай фойдаланиш керак ёки керак эмаслигини ўрганасиз. Бу жараён сизни ўзга олам, ўзга маконга олиб боради ва қалбингизда турли хил қарама-қарши ҳиссиётларни уйғотади. Ёзувчининг фикрлари китобни ўқиб бўлганингиздан кейин ҳам сизни тарк этмайди. Ўқиганингиз сайин тажрибангиз ошади, нутқингиз сайқаллашади, гўзаллашади.

Тасаввур қилиб кўринг, мусиқачи бўлишни истаган инсон мусиқани эшишмаган бўлса ижод қила олмайди. Худди шундай, ёзувчи бўлишни хоҳлаган инсон ўқишини хуш кўрмаслигини тасаввур қилиб бўлмайди.

### **2-қоида. Нимани гапиришни билиш**

Бир қарашда бу савол жуда содда туюлади. Лекин ўйлаб қарасак, матн яратиш жараёнида соатлаб компьютер рўпарасида ҳеч нарсани ёза олмай ўтирган пайлар ҳам бўлади. Кўпинча, бундай ҳолатда “илҳом келмаяпти”, деб баҳона қиласиз. Аслини олганда, бунга материалнинг етишмаслиги, билим ёки фикрларнинг камлиги, нима ҳақида гапиришимизни аниқ тасаввур қила олмаслигимиз сабаб бўлади. Балки сиз тафаккурингизда ғояларни яхши пишитмагандирсиз? Сиз нима ҳақида ўйлаётганингиз тўғрисида аниқ тасаввурга эга эмасдирсиз? Кўяётган саволларингиз қай даражада ўринли эканлигини ўзингиз ҳам билмайсиз. Балки масала устида етарлича тадқиқот олиб бормагандирсиз? Материални аниқ тасаввур қила олмасангиз уни қофозга тушириш ҳам мураккаб жараёнга айланади.

Баъзида фикрларимизни ёзишдан кўра, оғзаки ифодалаш осонроқ кечади. Оғзаки нутқ жараёнида тингловчи маълумотни англаб олишга улгурмасдан йўл қўйилган хатоларни дарров тузатиши мумкин. Дўстларимиз бизни ҳурмат қилиб гапларимизни охиригача тинглаши мумкин. Лекин ўқувчи эса ёзма нутқимиз(матн)ни ўқиши жараёнида мавзу уни қизиқтира олмаса, шу заҳоти ўқишини тўхтатади.

### **3-қоида. Фикрларни жамлай олиш**

Режасиз ёзиш режа билан ёзишдан кўра анча мушкул. Лекин режасиз ҳам ёзиш мумкин. Бундай ёндашув жараёнида матнни қайта кўриб чиқиш ва матнни тўғрилашга тайёр бўлишингиз керак. Реклама матни бўладими ёки мақола

ёзишдан олдин унинг тузилиши (структураси)ни аниқлаб олиш лозим. Материал тайёр бўлгач, муаллиф матн устида ишлайди, таҳлил қиласди. Таҳлил жараёнида қисқа фрагментларни эслаб қолиш мумкин. Аммо узун жумлаларни ёдда тушиш мушкул бўлади. Шунинг учун баъзи муаллифлар калит сўзларни қоғозга тушириб олиб, сўнгра матнни ёзиш жараёнида улар орқали фикрларини қайта жамлаб олишади. Баъзилар калит сўзлар билан кифояланмай, фикрларини тўлиқ шаклда ёзишга ҳаракат қилишади. Бошқалар эса матнни компьютерга киритиб таҳрир қилишга киришадилар.

Медиамулоқотнинг баъзи турлари ўз ички шаклига эга бўлиб ўзига хос шаблон (қолип) вазифасини бажара олади. Масалан, Умберто Эко матннинг мураккаб семиотик характерга эга бўлган функцияларини ажратади: ҳиссий (эмоционал), маълумот берувчи (рефератив), фактлар асосида (фактиқ), металингвистик, эстетик, мажбурий (императив) каби. Реклама матни кўпроқ ҳиссий ва эстетик завқ бериш функциясини бажариши лозим эканлигини таъкидлайди.

#### **4-қоида. Аудиторияни ўрганиш**

Мақола ёзиш интернетдан хабар жўнатиш ёки дўстларингизга мультимедиа орқали хат ёзишдан фарқ қиласди. Мақола аудиторияси, деганда нимани тушунамиз? Тайёрлаган материалингиз тингловчи, ўқувчи ёки томошибинга керак ёки керак эмаслигини билиш учун аудиторияни ўрганиш лозим. Масалан, юмордан фойдаланиш ўринлими? Асосий фикр тушунарли бўлдими? Айнан шунинг учун ҳам йирик компаниялар бозорга чиқишдан олдин истеъмолчини яхшилаб ўрганади. Демак, ёзувчи ҳам матн яратишдан олдин аудиториянинг истакларини чукур ҳис қилиши керак.

#### **5-қоида. Грамматик қоидаларни яхши билиш ва уларни амалда қўллай олиш**

Аҳамият берсангиз, фикрларингизни ёзма баён этмоқчи бўлганингизда, қайси аудиторияга мўлжалланганлигига қараб уларни қандай ифодалашни ўйлаб қоласиз. Грамматик қоидаларга амал қилишга уринасиз. Хато ёзмадимми, деган саволни берасиз. Йўл қўйилган имловий, услугбий хатолар баъзи тушунмовчиликка сабаб бўлиши мумкинлигидан чўчийсиз. Шунинг учун муаллифдан грамматик қоидаларни яхши билиши талаб этилади. Мавзуни очиб бериш фақат муаллифнинг маҳорати, билими ва тафаккурига боғлиқ эканлигини ҳам ёдингиздан чиқармаслик мухимдир.

#### **6-қоида. Сўз бойлигидан фойдалана олиш маҳорати**

Ҳайкалтарош лойдан санъат асари яратади, рассом эса бўёқ билан суратга жон ато этади. Ёзувчи эса сўзлар, фикрлар орқали инсон қалбига кириб боради,

мураккаб вазифани амалга ошира олади. Аудиторияни ўзига жалб этади, алоқа ўрнатади, ахборот беради, вазиятни ёритади, саҳна яратади, воқеани сўзлаб беради, маҳсулотни реклама қиласи ва бошқалар. Сўз билан меҳр қозониш ҳам, сўз билан нафрат ва адватга йўлиқиши ҳам мумкин.

Сўзлар нафақат маъно ва маъно қирраларига, балки ритм (оҳанг) ва жарангга ҳам эга бўлади. Сўз бойлиги қанча қўп бўлса, фикрлаш доираси шунча кенг бўлади. Масалан, “гапирмоқ” маъносида ишлатиладиган сўзларга эътибор қаратсан: сўзлашмоқ, гаплашмоқ, дардлашмоқ, бақирмоқ, пицирламоқ, ғийбатлашмоқ, гурунглашмоқ ва бошқаларни оладиган бўлсақ, уларнинг ҳар бири алоҳида маъно қиррасига (ижобий, салбий) эга. Ушбу маъно товланишларини англаган ҳолда ўз ўрнида ишлатиш шартдир.

### **7-коида. Аниқлик ва лўндаликка интилиш**

Фикрни қофозга туширишингиз билан у аниқ ва лўнда бўлиб қолмайди. Аслида, матнда чалкашлиқ, ноаниқлик, мавҳумлик бўлмаганидагина аниқлик юзага келади. Матнни ўқиши давомида ноаниқликка дуч келган ўқувчи тезда кейинги сахифага ўтишга ҳаракат қиласи.

Адабий тил нормаларидан четга чиқиши ҳам матннинг аниқлигига путур етказади. Матннинг ўқишилигини таъминлаш вазифаси кўпроқ муаллифга боғлиқ бўлади.

### **8-коида. Эшитиш қобилияти**

Эшитиш учун ҳам мўлжалланган матн яратиш кўникмасига эга бўлинг. Бу талабни кўпроқ оғзаки нутқ соҳиблари, яъни нотиқлар таъкидлайдилар. Матнни ўқиётганингизда эшитиш жараёни юзага келади. Бунда баланд овоз чиқариб ўқиши шарт эмас.

Агар сиз қулоққа хуш ёқадиган жумлаларни ўз ўрнида ишлата олсангиз, демак, талабларга жавоб бера оладиган матн ёзишга ҳам эришган бўласиз. Бунинг учун, қўллаётган сўзларингизни аввал ўзингиз тинглашга ҳаракат қилинг. Талаффузда қандай маъно акс этмоқда? Ўқиганда сўзлар бир-бири билан уйғунлаша оладими? Сўзларда ритм борми, уларни такрорлаш қандай самара беради? – каби саволларга жавоб изланг.

### **9-коида. Қайта кўриб чиқиши**

Мақола тайёр бўлди. Кейинги қиласидаги ишингиз имловий хатоларни текшириш билан кифояланадими? Яна бир ўйлаб кўринг. Сабр ва қаноат билан матнни қайта кўриб чиқишига киришинг. Ушбу жараён асарни сайқаллашга, матнни тартибга солишга ёрдам беради. Шунинdek, фикрларингизни қайта жамлашга ҳам ёрдам беради. Матнга янги нигоҳ билан қарашга ўргатади.

Шунинг учун матнни қайта кўриб чиқиш, камчиликлардан холи қилиш муҳим жараёнлардан бири ҳисобланади.

Демак, ижодкор ёзилган матнни бироз нафас ростлаб олиб қайта кўриб чиқишига киришади. Жараён давомида матн муаллифи ўзига қуидаги саволларни беради:

- Яратилган матн асосий фикрларни ёритиб бера оладими?
- Ёзганларим етарлимни ёки йўқми?
- Берилаётган фикрлар бир-бирига мос келадими?
- Воқеалар кетма-кетлиги тўғри берилганми?
- Жанрий-услубий хусусиятларига кўра аудиторияга мосми?

Қайта кўриб чиқиши деганда, бу каби кескин саволларга жавоб беради олиш ҳамда уларга жавоб топиш учун вақт ажратади олиш назарда тутилади.

Албатта, ишингиз устида қайта ишлаш мураккаб жараёндир. Матнни била туриб унга бошқа назар билан ёндашиш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди. Шундай бўлса-да, ишингизни қайта кўришдан, камчиликлардан холи қилишдан чўчиманг.

### **10-қоида. Матн устида кўп вақт ишлаш**

Дикқатни бир жойга жамлаб, матн устида ишлашга кўп вақт сарфлай олиш уни ёзишдан кўра энг содда, шу билан бирга энг мураккаб жараён ҳисобланади. Кундалик ташвишларингиз билан банд бўлиш, янги нарсаларни кўриш ва ўрганишдан воз кечган ҳолда яратилган матн устида ишлаш, матнга бор вақтингизни ажратиш муҳим. Лексик, грамматик, услубий жиҳатдан тўғри ёзилган ва тугалланган матнни яратиш учун соатлар, ҳафталар, ойлар, баъзида йиллар керак бўлади. Матн яратиш жараёни баъзи ижодкорларда тез ва осон, баъзиларда эса секин ва қийин кечади. Яхши матн яратиш учун иқтидордан ташқари, унинг устида қайта ишлаш ҳам талаб этилади.

Мардж Пирси таъкидлаганидек: “Ҳақиқий ижодкор – ёзадиган ижодкордир”. Шунинг учун тезда иш столингизга қайтинг ва ёзишда давом этинг (3, 7).

Демак, матн яратишга киришдан олдин мавзу доирасида айтмоқчи бўлган асосий фикрингиз ва мақсадингиз тўғрисида яна бир бор ўйлаб кўринг. Бунда сизга ушбу саволлар ёрдам беради: Матнни яратишдан асосий мақсадим нима? Бу билан нимага эришмоқчиман? Матнни ким ўқиради? Ўқувчи қандай билимга эга? Унга нимани тушуниришим керак? Ўқувчи бу мақоладан қандай билимни олишни хоҳлади? Матннинг ҳажми қанча бўлгани маъқул? Асосий фикрни қандай ҳажмда (вақт, жой, бет) ёритиб беришим лозим? Шунинг учун, матн яратишда журналист мавзуни тўғри танлаб олиши ва танлаган мавзуси

доирасида чуқур билимга эга бўлиши керак. Мавзуни очиб беришда эса аудиториянинг хоҳиши истакларини ҳам инобатга олиш шарт. Юқорида таъкидлаганларимизнинг барчаси яратилган матнинг таъсирчанлигини, ўқишли бўлишини таъминлашга ёрдам беради, деган фикрдамиз.

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР**

1. Тошалиев И. Адабий таҳрир асослари. Намунавий ўқув дастури. – Т.: Университет. 2001. – 6 б.
2. Lauren Kessler, Duncan McDonald. When words collide. A media Writers Guide to Grammar and Style. Thomson Higher Education Boston, MA 02210-1202 USA. 2008. 7-11, 151 p.

### **REFERENCES**

1. Toshaliev I. *Adabiy takhrir asoslari. Namunavij ўқув dasturi* (Basics of literary editing), Tashkent: Universitet, 2001, 6 p.
2. Lauren Kessler, Duncan McDonald. When words collide. A media Writers Guide to Grammar and Style. Thomson Higher Education Boston, MA 02210-1202 USA. 2008. 7-11, 151 p.